



ISNONSEN


ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 29 май, шанба № 68 (715)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОҚСАРОЙ ҚАРОРГОҲИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 28 май кунини Оқсарой қароргоҳида Қозоғистон Бош вазирини Нурлан Балгимбаевни қабул қилди.



натижалари тез орада умид билдирди. кистон-Қозоғистон мулатнинг турли соҳалар самара кўрсатишига Мулоқот чоғида Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатлари, икки давлатнинг турли соҳалар бўйича ҳамкорлик ало-

қаларига доир, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини У.Султонов, Бош вазир ўринбосари Б.Олимжонов, ташқи ишлар вазирини А.Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида Қозоғистоннинг мамлакатимиздаги Фақуллода ва мухтор элчиси У.Ўзбеков ҳозир бўлди.

(ЎЗА) Суратда: Қабул пайти. А.ТЎРАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Муносабат ХУНРЕЗЛИК

Тожикистон ҳудудида содир этилган хунрезлик республикамиз фуқароларини каттиқ изтиробга солди. Улар ўзларини «ислом лашкарлари» деб билган кимсаларнинг ёвузликларини каттиқ қораламоқдалар. Айни пайтда қўшни Тожикистонда соғлом кучлар ғалаба қилишини чин дилдан тиламоқдалар. Ахир, қўшнинг тинч, сен тинч, деган доно халқ мақолида олам-олам маъно бор.

КАТТИҚ ҚОРАЛАЙМАН

Ж.Сафаров, меҳнат фахрийси, Узун тумани. Жума Намангоний, Тоҳир Йўлдош деган пешволар, уларнинг гуруҳлари кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ваҳшийликка қўл урдилар. Алданган ёш жангари йигитларга жуда-жуда ачиндим, бағрим эзилди. Фикримча, улар ўз хатоларини тушуниб, изтиробга тушиб, қуролларини топширишган. Ниятлари Ўзбекистонга қайтиш, Президентимиздан, халқимиздан узор сўраб, виждон азобидан қутулишмоқчи бўлишган. Ваҳшийликни қарангки, 17 кишининг боши танасидан жудо қилинди. Сабаби тайин: ёвузлар ўз сирлари, сохталиклари ва шу пайтгача амалга ошириб келаятган қора қилмишлари фош бўлиб қолишидан чўчишган.

Бу воқеа барчанинг кўзини очди, яна бир бор хушёрликка чақирди. Мустақилликни мустаҳкамлаш учун ҳар кунини, ҳар соғини курашимиз лозимлигини англади.

Жафоқаш юртда тезроқ тинчилик, осойишталик ўрнатилишини чин дилдан тилаймиз. Дунёнинг ишлари қизиқ экан, биз - Сурхондарё вилояти, Узун тумани деҳқонлари эмин-эркин ишлаб, ғўза парваришлаяпмиз, ғалла ўримига тайёргарлик кўраяпмиз. Ёнгинамиздаги давлатда эса ўта янглик воқеалар рўй бермоқда. Бу асло бизни бефарқ қолдиrolмайди. Ваҳшийларча ўлдирилганлар ёлгон ваъдаларининг, ёвузликнинг қурбони бўлдилар. Бундан ҳар ким ўзига тегишли хулосалар чиқариб олади, албатта.

АЧЧИҚ САБОҚ

И.Мўминова, Ўқитувчи, Тошкент тумани. Тожикистоннинг Фарм туманида юз берган фожеа қалбларимизни ларзага келтирди. Наҳотки, бу қабиҳлик инсон томонидан амалга оширилди? Йўқ, бундайлар инсон қиёфасидаги ваҳшийлардир. Халқимиз бир вақтлар Фарғона водийсида тартибсизликларни юзага келтиришда фаол иштирок этган Жума Намангонийнинг ким эканлигини яхши билади. Минг афсус, қанчадан-қанча ёшлар унинг алдовларига учдилар, машъум воқеа юз берди. Бу кўпдан-кўп ёшларимизга, уларнинг ота-оналарига аччиқ сабоқ бўлганлиги шубҳасиздир.

Президентимизнинг диний-сиёсий экстремистлар ташвиқотига учиб, ҳар хил ноқонуний гуруҳларга, оқимларга қўшилиб қолганларни, агар танлаган йўллари-нинг хатоллигини англаб, ўз айбобларига иқдор бўлсалар, авф этиш, билмасдан жиноят кўчасига кириб қолган фуқароларни кечириб, мурувват кўрсатиш ҳақидаги баёнотлари Жуманинг лагерига ҳам этиб борганлиги эътиборга молик. Демак, ҳозирги кунда тўғри йўлдан адашган қанчадан-қанча ёшларнинг кўзи очилди.

КАЛЬ ИЗТИРОБДА

Н.Эшмуродова, ижарачи, Жонбой тумани. Ўтган ҳаётим мобайнида ўзбек бўлиб, ўз юртимизда бағрим тўлиб яйрамаган эдим. Мустақиллик шарофати ила озодликини кўриб яйдирдим, ободликини кўриб қувондим. Лекин 16 феврал воқеалари барча муштира налар қатори менинг ҳам юрагимни эзиб кетди. Бегуноҳ кетганларга жуда-жуда ачиндим. Уша воқеалар элимиз, юртимизнинг мустақиллигини, тинч-хотиржамликни нечоғлик яхши кўришини, керак бўлса бунинг учун жонини ҳам аямаслигини яққол кўрсатди.

Ҳаётнинг ўзи яхши муаллим. Кўшнлар тинч бўлмай туриб, биз ҳам хотиржам бўла олмадик эканмиз. Шу боис, Тожикистондаги воқеаларни синчковлик билан кузатиб бораёпмиз. Қондош-жондош биродарларимиз юртида тезроқ осойишта ҳаёт йўлга қўйилишини орзу қиламан. Тожикистонда жуда кўп кадрдонларим, қариндошларим бор. Уларнинг кўз ёшлари, изтиробларини қалбдан ҳис қилиб жуда эзилмаем. Тоҳир Йўлдош ва унинг гуруҳи каттиқ гуноҳга ботди. Жирғатой туманининг Ҳисарак қишлоғида ёвузлар томонидан 17 кишининг боши танидан жудо қилиниши нақадар даҳшат. Жангари йигитларнинг тўғри йўлдан адашганликлари қатта бир бахтсизлик бўлса, бу фожеа бағоят оғир қисматдир. Яратган ҳеч кимни тўғри йўлдан адаштирамади. Фарзандларимизни ҳаммаша ўз бағримизда меҳр-муҳаббат билан, асл ватанпарварлар этиб тарбиялайлик. Шу ўринда маҳаллаларнинг роли ниҳоятда ошиб бораётганлиги дилга таскин бермади. Хусусан, бизнинг қишлоқда бирон йигитнинг қадам олиши ўзгариб қолса, аввало нурунийлар уни дарров тартибга чақирадилар. Тарбиянинг таъсирчан воситаларидан унумли фойдаланилаётганини ўз самарасини бераётир. Биз — оналар тожик биродарларимизнинг мушкул осон бўлишини, соғлом кучлар ғалаба қозонишини яратгандан тилаб қолаемиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касалликларнинг олдини олиш, аҳоли кенг қатламларини, айниқса ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишга жалб этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида» 1998 йил 10 ноябрдаги Фармони асосида амалга ошириш мақсадига Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси ҳамда тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастури Концепцияси ва уни амалга оширишга доир тадбирлар маъқуллансин.

Маълумот учун қабул қилинсинки, республика бюджетини ва маҳаллий бюджетлар, спорт федерациялари, клублари, жамиятлари, ҳомийлар, хорижий инвесторлар маблағлари, шунингдек, спорт ташкилотлари томонидан аҳолига пулли хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастури маблағ билан таъминлашнинг асосий манбалари ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш клублари ташкил этилиши, уларнинг фаолиятига спортнинг оммавий, миллий турларини ва халқ ўйинларини кенг жорий қилсинлар; аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгиловчи махсус тестларни ишлаб чиқсинлар ва жорий қилсинлар. Мазкур тестларни муваффақиятли топширганлар учун уч даражали «Алпомош» ва «Барчиной» нишонларини таъсис этсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси Адлия вазирлиги билан биргаликда, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда, спорт-соғломлаштириш клублари ташкил этилиши, уларнинг фаолиятига спортнинг оммавий, миллий турларини ва халқ ўйинларини кенг жорий қилсинлар; аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгиловчи махсус тестларни ишлаб чиқсинлар ва жорий қилсинлар. Мазкур тестларни муваффақиятли топширганлар учун уч даражали «Алпомош» ва «Барчиной» нишонларини таъсис этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси Адлия вазирлиги билан биргаликда, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда, спорт-соғломлаштириш клублари ташкил этилиши, уларнинг фаолиятига спортнинг оммавий, миллий турларини ва халқ ўйинларини кенг жорий қилсинлар; аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгиловчи махсус тестларни ишлаб чиқсинлар ва жорий қилсинлар. Мазкур тестларни муваффақиятли топширганлар учун уч даражали «Алпомош» ва «Барчиной» нишонларини таъсис этсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодий ва статистика вазирли-

ги, Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили ишлаб чиқилаётган инвестиция дастурларида Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастурига маблағлар лимитларини назарда тутишлар.

6. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситалари жисмоний тарбия ва спортни, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишни, ўқув юртлари ва меҳнат жамоаларининг спорт клублари, спорт мактаблари, мутахассислар ва мураббийлар фаолиятини ёритишни таъминлашлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1999 йил 27 май

ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИ УЧУН ИШ ҲАМДА ТАЪМИНЛАШГА

Учқўприк туманидаги «Лолахон» қишлоқ фуқаролар йиғинида ёшларни иш билан таъминлашга қатъи аҳд қилинган. Фуқаролар йиғини фаоллари, «Истикбол» хўжалиги раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар сый-ҳаракати билан қарийб икки юз нафар қишлоқ йи-

гит ва қизлари учун янги иш ўринлари яратилди. Айни кунда етмиш киши меҳнат қилаётган мевани қайта ишлаш билан машғул жамоа тадбиркорларнинг ташаббуси билан 15 та кичик қорхона ташкил этилди. Қишлоқ ҳудудида фаолият кўрсатаётган 5 та деҳқон фермер хўжалиғида ҳам етмишдан зиёд ёшлар меҳнат қилмоқда.

— Бизнинг ҳудудимизда 10 минг кишидан кўпроқ аҳоли истикомат қилади, — дейди «Лолахон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Тоҳиржон Аҳмедов. — Ҳар қандай иллат ишсизлик, беқорчиликдан чиқарилади. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда ёшларни иш билан таъминлашга имкон қадар ҳаракат қилинсин. Шунингдек, кўп болали ва эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий ҳимоялашга ажратилган маблағларни тўғри ва ҳоли тақсимлаш ҳам фаолиятимизнинг асосий йўналишидир. Шу мақсадда 17 кишидан иборат комиссия тузиб, унинг таркибига ҳар бир маҳалладаги обрў-этиборли кишиларни, оқсоқолларни, хотин-қизлар ва фаолларни киритганмиз. Шу йилнинг дастлабки чорағида 70 нафар кам таъминланган фуқарога моддий ёрдам кўрсатилди.

(ЎЗА).

ЭРТАГА ЧЕМПИОНЛАР АНИҚ БЎЛАДИ




1994 йилнинг октябр ойи эди. Атом бомбаси ўз кучини кўрсатган, унинг оғриқлари ханузгача давом этаётган Япониянинг Хиросима шаҳри қалб жа-

роҳатларини унутиш мақсадида Осиё қитъасига тегишли давлатлар спорт ишқибозлари ва спортчиларни ўз бағрига чорлади. Бу ерда XII Осиё ўйинла-

ри катта тантана билан бошланди. Меҳмон сифатида қатнашаётган мамлакатимиз спортчилари қалбидан ҳаяжон. Нима бўлганда ҳам фахрли ўринларни буйича XIII Осиё чемпионати қизгин курашлар остида давом этмоқда. Яқиндагина ўтказилган кураш буйича Жаҳон чемпионатида жаҳоннинг етуқ спорт мутахассислари курашининг асли ватани Ўзбекистон экани, кураш сирларини ўзбек йигитларидан ўрганиш кераклигини такрор ва такрор айтган, биз эса, қадимий адабийларимизда битилган кураш ҳақидаги фикрлар билан сизларни таништириб ўтгандик. Курашнинг асл ватани бизнинг юрти-

миз, деган фикрдан йироқмиз. Лекин унинг илди-зи бизнинг тарихимизда минг йилларга бориб тақалишини айтиб ўтмоқчимиз, холос. Хуллас, мухташам «Юнусобод» спорт мажмуида бўлиб ўтаётган XIII Осиё чемпионатида муражоб қиладиган бўлсак, бу ерга йиғилган мухлислар ҳақиқий бахсларнинг гувоҳи бўлмоқдалар. Анча юксак тажрибига эга бўлган Япония, Жанубий Корея, Хитой, Эрон каби мамлакатлар спортчиларининг иштирок этиши чемпионат нуфузини янада ошириб юборганини таъкидлашни истардим.

XIII Осиё чемпионатининг эркин кураш бўйича чемпионлари аниқлаб бў-



линди. Улар мамлакатимиз вакилларида Руслан Хинчагов (76 кг), Игорь Купеев (69 кг), Аслан Самакаев (85 кг), қозоғистонлик Мавлон Мамиров (54 кг), эронлик полвонлар Али Ризовий (130 кг), Али Ризо Хайдарий (97 кг), ҚХДР дан Ри Йонг Сан (58 кг) лардир. Юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган спортчиларимизни мухлислар тинимсиз олқишлар билан қўллаб-қувватлаб туришибди. Бундан руҳланган курашчиларимиз матонат

билан «жанг»ни охиригача, рақибига ён бермасдан, чидам билан давом эттиришмоқда.

Эртага 14 мамлакатдан ташриф буюрган 150 нафар спортчиларнинг энг кучлиларини «Юнусобод» спорт мажмуи шохсупаларидан муносиб жой оладилар. Ишонамизки, мамлакатимиз спортчилари ўз мухлисларини раҳитмайдилар, юртимиз шарафини баланд кўтарадилар.

ШАХРИЁР.

«МИКАСА» КУБОГИ МУСОБАҚАСИДА

Шу кунларда Тошкентда хотин-қизлар ўртасида ўтказилаётган «Микаса» Кубоги учун волейбол бўйича халқаро мусобақанинг иккинчи кунини якунланди.

Қозоғистон волейболчилари қирғизистонлик рақибларига 2:3 ҳисобида ютқазди.

Тошкентнинг «СКИФ» командаси қизлари чиройли ўйин кўрсатиб, Россиянинг МФСО командасини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Энди Қирғизистон ва Япония, Россия ва Қозоғистон командалари учрашади.

(ЎЗА)

Бир қонун шарофати

Мамлакатимизда ўзини-ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Уларнинг ваколатларини босқичма-босқич кенгайтириб бориш, мажбурий мустаҳкамлаш билан аҳолининг ижтимоий-сеъсий фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб эта бошлади. Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун эса бу борада чинакам ҳуқуқий пойдевор яратди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билдирилаётган ишонч қандай оқляпти, ваколат доираларидаги вазибаларни қандай уд-

Нотинч оилалар ҳам қамайди. Тўй ва маъракаларимиз ичрам, файли ўтяпти. Одамларимиз давлат ва жамият олдидаги мажбуриятларини ҳам тобора чуқур англай бошлади. Хусусан, маънавий ҳизмат тўловларини ўз вақтида ва тўла амалга ошириш одат тусига кирди. Натижада банкдаги ҳисоб рақамимизга қўшимча маблағ келиб туша бошлади. Бу эса эҳтиёмдан оила-

ча бўлган фарзандини тарбиялаётган 1800 нафардан ортиқ она ҳам ана шундай гамхўрликдан баҳраманд бўлмоқда. Маҳаллий ўзини ўзи

ВАКОЛАТИНГИЗДАН ҚАНДАЙ ФЙДАЛАНАПСИЗ?

далаяпти? - Мазкур Қонуннинг ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилганлиги бизни жуда хурсанд қилди, дейди Тошкент вилояти Бўка тумани ҳокимлиги ижтимоий масалалар бўйича бош мутахассиси Холида Сатторова. - Илгари маҳалла фаолларининг деярли ҳеч қандай ҳуқуқлари йўқ эди. Айна пайтда, аввало маҳалла оксоқолининг аҳоли уртасида обрў-эътиборини оширишга катта эътибор берилмоқда. Зеро, ўзаро аҳилликни, одамларнинг ва фаровон турмушини таъминлашда бу муҳим омили ҳисобланади.

бошқариш органлари аҳоли ижтимоий ҳимоялаш билан бирга ободонлаштириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда ҳам фаол иштирок эта бошлади. Бу борада «Турон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида олиб борилаётган ишлар айниқса диққатга сазовор. Чунинчи, бугунги кунда барча қишлоқларда маҳалла гузарлари қурилди. Улар қошида савдо ва маданий-маиший ҳизмат кўрсатиш шохобчалари ишлай бошлади. Бу билан олтимишга яқин қишлоқ ешлари доимий иш билан таъминланди.

Маҳалла кўмиталари ўз ҳудудларида фаолият кўрсатаётган деҳқон-фермер хўжаликлари, кичик қорхоналар фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришга ҳам жиддий кўмак бермоқда. Зеро, бу ҳам аҳоли ижтимоий ҳимоялашнинг бир шакли саналади. Ахир мазкур жамоаларда асосан маҳаллий фуқаролар ишлайди, моддий манфаатдорлик эса бевоқиф ишлаб чиқаришдан олинандиган даромадга боғлиқ.

- Маҳалламизда беш юздан ортиқ хонадон бор, дейди «Хўжақўрғон» маҳалла кўмитаси раиси Маъруфхон Саидрахимов. - Аҳолининг ҳамжиҳатлиги натижасида кўчаларимиз анча обод бўлиб қолди.

ларни моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш имконини бермоқда.

Дарҳақиқат, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, маҳалла кўмиталари бугунги кунда одамларнинг энг биринчи кўмакчисига айланмоқда. Бирок бундай хайрли тадбирларни амалга оширишда маблағ тақчиллиги сезилиб қолмоқда. Туман ҳокимининг қарори билан барча қишлоқ фуқаролар йиғинига беш-олти қорхона ва хўжалик оталиқ ташкилоти сифатида бириктириб қўйилгани яхши, албатта. Аммо шунга қарамай маҳалла жамғармаларини шакллантириш қийин кечмоқда.

Маҳалла жамғармаларини шакллантиришда давлат ва ҳолий ташкилотларнинг пул маблағларидан ташқари тадбиркорлик фаолиятдан келиб тушадиган даромадлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Фаоллар ана шу имкониятдан ҳам кең фойдаланиши керак бўлади. Маҳалла оксоқоли эса давлат бошқарув органида, хўжалик юртуви субъектлар билан муносабатда, ҳатто судда ҳам фуқароларнинг манфаатларини дадил ҳимоя қилиши лозим.

Неъмат ДУШАЕВ, ЎЗА муҳбири

ЎҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Биздан сўрабсиз

Савол: Оилада иккита ўғлимиз бор. Катта ўғлимиз II гуруҳ ногирони, ҳеч жойда ишламайди. Соғлиги тўғри келмаганига сабабли ҳарбий хизматга қақрилмади. Умр йўлдошим 27 йил ўқитувчилик қилиб пенсияга чиқди. Ўзим 58 ёшга кирдим. 40 йиллик меҳнат стажим бор. Пенсияга қасаллигим тўғрисида қандай қарор чиқаришимиз керак? Шундан утчимиз пенсионер. Шу сабабли икки ўғлимиз ҳарбий хизматга қолдирилиши мумкинми? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Р.Холмуродов, Самарқанд вилояти. Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлдаги «Муқобил хизмат» ҳақидаги Қонуннинг 1-моддасида муқобил хизмат тўғрисида кўрсатилган баён этилади. Муқобил хизмат - Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан кам малакали ишларни бажариш ёки халқ хўжалигининг қорхона, ташкилот ва муассасаларида фуқарога тегишли малакада ишларни бажариш, шу жумладан бахтсиз ҳодиса, табиий офат ва бошқа фақулдда ҳолатлар оқибатларини бартараф этишда бажариладиган алоҳида тусдаги давлат хизматидир. Шу қонуннинг 3-моддасида қандай шахслар муқобил хизмат ўташлари кўрсатиб ўтилган. Унга бинозан ҳарбий хизмат тўғрисида ва моддасидаги хизматни ўташга қақрилиши керак бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари:

Саволларингизга ҳуқуқшунос Ҳ.Премқулов жавоб беради.

- агар хизматга қақрилганнинг оиласида ундан бошқа 16 ёшга тўлмаган 4 ва ундан ортиқ болалар бўлса; - ҳарбий хизматни ўташ даврида ногирон бўлиб қолган ота-оналари ёки акалари (опасингиллари) бўлса; - ҳарбий хизматни ўташ ва қуролдан фойдаланишга йўл қўймайдиган, рўйхатдан ўтган диний идораларнинг аъзолари муқобил хизматни ўташи мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муқобил хизматни ўташи мумкин бўлган фуқароларнинг бошқа тоифаларини белгилаб бериши ҳам мумкин. Муқобил хизматни ўташ муддати 24 ой. Олий маълумотли фуқаролар учун эса 8 ой. Юқоридагилардан ҳулоса қилиб айтиш мумкинки жойлардаги муҳофаза ишлари бўйича бошқармада мазкур масала узил-кесил ҳал қилинади.

Савол: Давлат муассасалари томонидан муассаса ёки бирон-бир ташкилотда ишловчи ходимга берилган қасаллик вақаси асосида деб топилса, қасаллик вақасини берган тиббиёт ходимига ҳақда ноқонуний деб топилган давола-ниш таълиди бўлган ишчи ёки хизмат-чига қандай интизомий қоралар қўллани-

лади? Ўша ходимнинг асосида қолдирган қулари қай тарзда ҳал қилинади.

Н.Усмонова, Қарши шаҳри. Жавоб: Қасаллик вақасини бериш учун врачларнинг жавобгарлиги қасаллик вақалари ва маълумотномаларини бериш ҳақидаги 1998 йил июл ойда Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан тасдиқланган йўриқномада кўрсатилган. Унда айтилишича қасаллик вақаларини (маълумотномаларни) нотўғри берган врач ва фельдшерларга интизомий жазо берилади.

Ижтимоий жазо турлари эса Меҳнат Кодексининг 181-моддасида кўрсатилган бўлиб улар қуйидагилардан иборат. а) ҳайфсан эълон қилиш; б) ўртача иш ҳақининг 20 фоизигача (ташкilotлардаги локал ҳужжатда кўрсатилган бўлса 40 фоизгача) жарима солиш; в) меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш.

Масалан, ходим қасаллик вақасини сохта йўллар билан олган бўлса унга ҳам юқоридаги интизомий жазолардан бири қўлланиши мумкин. Агар нотўғри берилган қасаллик вақасида ходимнинг айби бўлмай фақат шифокорнинг айби билан хатоликка йўл қўйилган бўлса унда ходимга жазо қўлланилмайди.

ҚОТИЛЛАР ЖАЗОСИНИ ОЛДИ

Ҳиндистоннинг собиқ Бош вазири Ражив Гандининг вафот қилганига бу йил саккиз йил тўлди. У 1991 йил 21 май куни Шриперумбур шаҳрида ўлдирилган эди. Ҳиндистон олий суди ўтган вақт давомида ушбу жиноятни содир этишда айбланган кўплаб кишиларни ҳибсга олди ва сўроқ қилди. Ниҳоят, узоқ давом этган текширувлардан сўнг олий суд ўз ишини якунада ва 26 нафар айбдорга нисбатан якуний ҳукмини эълон қилди. Уларнинг беш нафари аёллардир.

январиди ҳам барча жиноятчилар Тамилнад штати суди томонидан ўлим жазосига ҳукм қилинган эди. Лекин мамлакат олий суди бунга норозилик билдириб, ҳукми қайта кўриш ва ўзгартиришлар киритиш тақлифи билан чиқди. Шундан сўнг олий суд сўнгги бор тергов ўтказди. Суд қарорига кўра, жиноятчиларнинг фақатгина тўрт нафари олий суд сўнгги ҳукмига бўлди. Уч киши эса умрбод қамоқ жазосига лойиқ топилди. Қолган 19 кишига нисбатан эса афв эълон қилинди. Озод этилганлар ҳам бевосита ёки билвосита ушбу жиноятга аралашган-

лардир, дейилади суд қарориди. Лекин улар олий жазога лойиқ эмас. Бу кимсалар олти йилдан буйён қамоқда сақланиб келинди ва ушбу муддат улар учун жазо ҳисобланади.

Олий жазога тортилганларнинг бири аёлдир. У ўтган вақт давомида Р.Гандини ўлдиришда айбланган эркак билан қамоқхонада турмуш кўриб, бир фарзандли бўлишга ҳам улгурган. Лекин гўдак етим қолади қуринади. Чунки унинг отаси ҳам олий жазога ҳукм қилинган.

Раъшан МАХМУДОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

OLAMDA NIMA GAP

ВАШИНГТОН. АҚШ сенаторлари президент Билл Клинтон маъмуриятининг бюджет маблағларини тежаш мақсидида баъзи ҳарбий базаларни қисқартриш тўғрисидаги режасини маъқулламади. Уларнинг кўпчилиги ҳарбий базаларнинг ёпишинг 2001 йилга мўлжалланган янги босқич режасини рад этди.

айтишича, бу маблағ қочқинларни жойлаштириш ва озиқ-овқат билан таъминлашга сарфланади.

Косоволик қочқинлар Чехияга Албания ва Македониядан келтирилади.

АҚШ муҳофаза вазири Улиам Коэн ҳарбий базаларнинг қисқартрилиши ҳар йили деярли тўрт миллиард доллар маблағни тежашга олиб келишини таъкидламоқда. Унинг айтишича, бу маблағни янги қурол-яроғ сотиб олишга ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

БАНГКОК. Бу ерда бўлиб ўтган АСЕАН ва Европа Иттифоқининг икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалаларига бағишланган анжумани амалий дастур қабул қилиниши билан якунланди. «Муносабатларнинг янгида исчи ривожланиши» деб номланган мазкур дастур икки минтақавий блокнинг савдо, саноят, ўрмон хўжалиги, фан, технология, сармоя ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш бўйича сазй-ҳарақатларини бирлаштириши кўзда тулади.

БОГОТА. Анд мамлакатларининг интеграциялашувидан кўзланган асосий мақсад сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий марказни яратиш ҳамда ижтимоий муаммоларни биргаликда ҳал қилишдан иборат. Анд ҳамжамиятига кирувчи Боливия, Венесуэла, Колумбия, Перу ва Эквадор раҳбарларининг ўн биринчи учрашувида нутқ сўзлаган Колумбия президенти Андреас Пастрона шундай деди. Унинг сўзларига қараганда, мазкур ташкилотнинг биринчи даражали вазифаси 2005 йилга бориб Анд давлатларининг ягона бозорини яратишдир.

ТОКИО. «Катта саккизлик» мамлакатларининг 2000 йилдаги саммити Японияда ўтказилади. Бу ҳақда Япония вазирлар маҳкамаси Бош котиби Хироми Нонака расман маълум қилди. Ушбу тадбирда иштирок этиш учун тақлифномалар АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Канада ва Россия раҳбарларига «катта саккизлик»нинг шу йил июн ойда Кёльн шаҳрида ўтказилган навбатдаги саммити вақтида топширилади.

ПРАГА. Чехия ҳукумати республикада 750 нафар косоволик қочқинга вақтинчалик бошпана бериш учун 60 миллион крон (тахминан 1,8 миллион АҚШ доллари) ажратди. Чехия вазирлар маҳкамаси матбуот котиби Либор Роучекнинг

«Катта еттилик» йиғинлари Японияда уч марта - 1979, 1986 ва 1993 йилларда ўтказилган. Россия бундай саммитларда 1996 йилдан буйён саккизинчи иштироки сифатида қатнашмоқда.

(ЎЗА).

ЎЗБЕК РАССОМИНИНГ ГЕРМАНИЯДАГИ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси, таниқли рассом Л.Ибрагимовнинг шахсий кўргазмаси Германияда бўлиб ўтди. Бу унинг Европа давлатларида ташкил этилган ўн бешинчи кўргазмаси эди. Унда муаллифнинг элликта асари намойиш этилди.

Мустақил Ўзбекистон тасвирий санъатини жаҳонга танитишда Л.Ибрагимовнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. У ҳар гал кўргазма очганида албатта янги асарлари билан қатнашади. Унинг асарларида миллийлик руҳи ёрқин ифода топгани учун ҳам унинг «Атлас кийган кизлар», «Сўқоқ кизлари», «Водий даласи» каби расмларини муҳлислар қизиқиш билан томоша қилмоқдалар.

ЭНГ ЯХШИ ТАРБИЯЧИ

Пойтахтимизнинг Миробод туманида «Йил тарбиячиси-99» кўрик-танлови якунланди. Танлов қатнашчилари ўз касбларига оид саволларга жавоб бериб, эстетик тарбия, болалар учун қизиқарли ўйинлар, байрам дастурларини тайёрлаш, эртак қаҳрамонлари иштирокида театрлаштирилган сахналар қўйиш ва бошқа қизиқарли тадбирлар ўтказиш бўйича билим ва маҳоратини намойиш этди. 85-болалар боғчаси тарбиячиси Ерқиной Қорабова голий деб топилди. Энди у шахар кўрик-танловда иштирок этади.

(ЎЗА)

Президент фармонлари қандай бажарилмоқда?

Ўзбекистон Президентининг ҳаётбахш фармонлари иқтисодий ислохотларни изчил амалга ошириш, бозор муаммоларини ҳал этиш, меҳнатқашларни ижтимоий ҳимоялашда муҳим омили бўлмоқда. Бирок баъзи меҳнат жамоаларида фармонлар ижроси таъминланмаётганлиги сабабли муаммолар кўпаймоқда. Бу ўз ўзидан одамлар қайфиятига ўз таъсирини ўтказаяпти.

Муҳбиримиз Гулистон шахар прокурори Дўстмурод Холбоев билан шулар хусусида суҳбатлашди.

-Дўстмурод ака, Президентимизнинг «Халқ хўжалигида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда қорхона, ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ҳақда «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ижроси хусусида тўхталсангиз.

-Биз шу йилнинг биринчи чорагида 7 март-тоба текшириш ўтказдик. 5 та тақдимнома киритилди. Беш нафар шахс интизомий жазога тортилди. 24 та оғоҳнома чиқарилиб, 24 та маъмурий, 5 та жиноий иш кўзгатилади. Ўзаро ҳисоб китобларда кўпол хатоларга йўл қўйган айрим ташкилотлар фаолиятига тўхталиб ўтсак. 1998 йил 23 ноябрь куни вилоят деҳқончилик санаети уюшмаси томонидан қишлоқ хўжалик қорхоналаридан пахта териш машинаси учун олдин тўлов тариқасида, жами 28350 минг сўмлик вексель йиғиб олинди «М.Т.П. улгуржи чакана савдо» қорхонасига ишонч қозони орқали юк хатига асосан ўтказилган. Ушбу қорхона эса шу векселлардан 27700 минг сўминини «Ташсельмаш» заводига ўтказиб, 86 та пахта териш машинаси олиб келиб,

рилли?

-Фармонда ташкилот раҳбарлари зиммасига алоҳида масъулият юкланади. «М.Т.П. улгуржи чакана савдо» қорхонаси раҳбари О.Саидовнинг «дунёни сув босса ўрдакка неғам» қабилида иш тутиши оқибатида қанча ташкилотлар, ишчи-хизматчилар азият чекишди. Шу боисдан ҳам унга нисбатан жиноят иши кўзгатилди. Катта миқдордаги зарар ихтиёрий ундирилди. О.Саидов олдиндан камида 15 фоизлик пул ўтказилмасдан фирма ва куриллаш ташкилотларига маҳсулот берилиши, иш бажарилиши натижасида 1214 минг сўмлик дебитор қарз пайдо бўлган. Қорхонанинг иш ҳақидан қарзи эса 4686 минг сўмин ташкил этади. Кредитор қарзлар муддатида тўлаб борилмаган. Солиштирма далолатномалар ўз вақтида тузилмаган. Дебитор қарзларининг ундирилиши юзасидан ҳеч қандай чора-тадбирлар қўрилмаган. Шунингдек, 12 хил турли қурилиш материалларидан 1392183 сўмлик қамомад ва 1845257 сўмлик ошиқчилик борлиги аниқланди.

Энг ачинарли томони шундаки, ишламаган ишчиларга сохта ҳужжат орқали 221389 сўм озиқ-овқат ва иш ҳақи учун берилиб, қолган 81674 сўмин қорхона раҳбари М.Рустамов бошчилигида табелга сохта имзолар қўйилиб, ўзлаштириб юборилганлиги факти юзасидан жиноий иш кўзгатилади. 15 фоизли тўлов ундирилмасдан иш бажарган ишчи-хизматчиларга ўтган йилги 634,5 минг сўмлик иш ҳақлари тўланмай келинган. Хуллас, фармон талабларига зид равишда фаолият кўрсатаётган қонунбузарлар тегишли жазога тортилдилар. Прокуратура ходимлари бундан кейин ҳам Республика Президенти фармонлари бажарилишини таъминлашда янада қатъият билан ишлайверади.

вишда олдиндан камида 15 фоизлик пул ўтказилмасдан фирма ва куриллаш ташкилотларига маҳсулот берилиши, иш бажарилиши натижасида 1214 минг сўмлик дебитор қарз пайдо бўлган. Қорхонанинг иш ҳақидан қарзи эса 4686 минг сўмин ташкил этади. Кредитор қарзлар муддатида тўлаб борилмаган. Солиштирма далолатномалар ўз вақтида тузилмаган. Дебитор қарзларининг ундирилиши юзасидан ҳеч қандай чора-тадбирлар қўрилмаган. Шунингдек, 12 хил турли қурилиш материалларидан 1392183 сўмлик қамомад ва 1845257 сўмлик ошиқчилик борлиги аниқланди.

Энг ачинарли томони шундаки, ишламаган ишчиларга сохта ҳужжат орқали 221389 сўм озиқ-овқат ва иш ҳақи учун берилиб, қолган 81674 сўмин қорхона раҳбари М.Рустамов бошчилигида табелга сохта имзолар қўйилиб, ўзлаштириб юборилганлиги факти юзасидан жиноий иш кўзгатилади.

Хуллас, фармон талабларига зид равишда фаолият кўрсатаётган қонунбузарлар тегишли жазога тортилдилар. Прокуратура ходимлари бундан кейин ҳам Республика Президенти фармонлари бажарилишини таъминлашда янада қатъият билан ишлайверади.


Суҳбатдош: Нурилла ШАМСИЕВ.

ДЕБИТОР ҚАРЗ

У гараққиётта, иш ҳақиға жиддий таъсир ўтказмоқда

нинг оқибати мазкур хўжаликлар молиявий аҳволи ноқорлашувиға олиб келган. Қорхона эса гарданидаги 10116284 сўм кредит қарзларини икки йилдан буйён тўламай келмоқда. Бундан ташқари М.Т.П. улгуржи чакана савдо қорхонаси томонидан 1997 йил 18 июль куни Саломатлик ассоциациясидан 22-сонли ишонч қозониға асосан рақамсиз хат билан 10109 сўмлик автомобиль эҳтиёт қисмлари олиниб 100 минг сўмлик вексель билан ҳисоб-китоб қилинган, ҳолос. 1998 йил 1 декабрь ҳолатига мазкур жамоанинг бюджетдан 14,6 минг, нафақа жамғармасидан 27 минг, иш ҳақидан 45,2 минг сўм муддати ўтган кредит қарзлари мавжуд. Хуллас, бу ташкилот ўз ҳамкорларини чув туширишга ҳаракат қилгани аниқланди.

-Қорхонадаги бош бошдоқликнинг асосий айбдорлари қим? Уларга қандай қоралар қў-



Лондон



ДУШАНБА, 31

УзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Тахлилнома».

00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
Соат 15.00 га қадар линияда профилактика.

СЕШАНБА, 1

Болаларни ҳимоя қилиш
Халқаро кўни
УзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

9.00-17.30 — Болаларни ҳимоя қилиш
Халқаро кўнига бағишланган байрам киномарафони.

ЧОРШАНБА, 2

УзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

30-канал
9.05 «Мусликй тонг». Мусликй-дам олиш дастури.

ПАЙШАНБА, 3

УзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

17.45 «Мультичархпалак». Ака-ука Гримм эртақлари.

ЖУМА, 4

УзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

22.30 «Пойтахт». Информацион курсатув.

ШАНБА, 5

УзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

кубоги».
17.45 «Шарқ эстрадаси».

ЯҚШАНБА, 6

УзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саяхат».

УзТВ II

23.10 Кино янгиликлари.
23.25 «Жаҳон киноси юлдузлари».

Машиқзамин даргалари

Яқинда Риштонда «Бурхониддин ал-Марғинович ар-Рошидоний ҳуқуқий меросининг илмий-амалий аҳамияти» мавзусида Халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Халқимиз бой маънавий меросининг ажралмас қисми бўлган Ислам динининг етук намояндари Имом ат-Термизий, Имом ал-Бухорий, хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Ясавий, Абдулоқиб Фихривийлар қаторида ҳамюртимиз Бурхониддин ал-Марғинович ар-Рошидоний ҳазратлари ҳам борлиги бизни гоят қувонтиради, - дейди Риштон туман ҳокими А.Мираҳмедов. - Ўзбекистон Мустақилликка эришгунга қадар буюк ҳуқуқшунос бобокалонимиз тўғрисида даярли ҳеч нарса билмас эдик. Унинг ҳаёти, фаолиятини хабардор, «Хидоят» асарини ўқиган, билган кишилар эса бирова оғиз очиб бирон нарса дея олмаганлар. Холбуки «Хидоят» ўнлаб мамлакатларда дарслик сифатида ўқитилган, қонуншуносликка ундан фойдаланиб келинган бўлишига қарамай, мустақид тузум сабабли биз ундан бебаҳра қолдик. Ҳақиқий ва тўлиқ исми Абдул Ҳасан Али ибн

Абу Бакр ибн Абдул Жалил ал-Фарғоний ал-Марғинович ар-Рошидоний бўлган Бурхониддин 1121 йилнинг 23 сентябрида ҳозирги Риштон туманида таваллуд топган. Захириддин Муҳаммад Бобур ёзганда «Соҳиби Хидоя» Марғиновичнинг Рушдон отлик кентидандир»

Буюк олимнинг ёшлик йиллари Риштон ва Марғилонда ўтади. У шу ерда дастлабки билимларини олади. Сунгра Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида тахсил кўриб фикҳ илмини кунт билан ўрганган. Шу соҳага оид қатор китоблар ёзган. Самарқандда Шайхулислом мартабасига эришади. Унинг «Ал-Хидоя» асари бутун муслмон дунёсида тан олинган ва ҳуқуқ бўйича асосий манба ҳисобланган.

«Хидоя»да шарият масалалари, исломнинг асосий маросим талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий қоидалар, хусусан, таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж, қурбонлик, оила-нихоҳ масалалари билан боғлиқ қоидалар мукамал шарҳлаб берилган. Машҳур аллома ал-

Ҳаддод таъбири билан айтганда, «Хидоя» ҳам «Куръон» сингари ўзидан илгари шарият бўйича ёзилган барча китобларни беқадр қилди.

Риштонда Бурхониддин ал-Марғинович ар-Рошидоний фаолиятини ўрганишга, унинг хотирасини

ўрганишга жиддий киришганлар. «Соҳиби Хидоя» қабристонда археологик қазимас ишлари олиб бориляпти.

Бурхониддин ал-Марғинович ар-Рошидонийнинг «Хидоя» асарини қайта нашр этиш, уни ўзбекчага таржима қилиш, улуг фи-

дастлабки тўрт халифа саҳобаларининг ривоятлари, суннийлик оқими асосий мазҳаблари - ханафий, маликий, шафъий, ханбалӣ асосчилари Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит, Абу Абдулло Малик ибн Анас, Муҳаммад ибн аш-Шафъий, Абу Абдулло Аҳ-

лида бошлади. Уни Фарғона вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўйича биринчи ўринбосари А.Йўлбарсов кириш сўзи билан очди.

Анжуманда Халқаро ислом тадқиқоти марказининг ислом тарихи ва маданияти бўлим мудири Салоҳиддин Муҳиддинов, Тошкент Давлат юридик институти доценти, афғонистонлик ҳуқуқшунос олим Абдулҳаким Шарий Жузжоний, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Акмал Саидов, Фарғона политехника институти кафедра мудири, тарих фанлари номзои Абдусалом Комиллов, Фарғона Давлат унивёрситети доценти, филология фанлари номзои Малижон Боборахимов, Риштон туман ҳокими Адҳамжон Мираҳмедов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, меҳнат фахрийси Мадамжон Бобожаалолов, шунингдек, А.Беруний муқофоти совриндори, филология фанлари доктори, профессор Содирхон Эркиновлар ўз маърузалари билан қатнашдилар.

Маърузаларда Бурхониддин ал-Марғинович ар-Рошидоний имом, қонуншунос, ўз даврида ҳуқуқий билимларни тўплаб уларни яхлит тартибга келтирган буюк назарий ва амалиётчи фахрлик эканлиги эътироф этилди. Шунингдек, улуг алломанинг «Бидоят ал-Мубтадий» («Илмга киришувчи учун биринчи асос»), «Нашр ал-мазҳаб» («Мазҳабнинг ёйилиши»), «Кифоят ал-Мунтахий» («Илми ниҳоясига етказувчининг қаноатланishi») каби машҳур китоблари ҳақида ҳам фикр юритилди.

Мустақиллик шарофати ила мамлакатимизда миллий кадрларнинг тарбияли илмом оламига донг тартган Бурхониддин ал-Марғинович ар-Рошидоний асарларини ўрганишга кенг имконият очилди. Ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан дадил бораётган диёримизда бобокалонимизнинг фикҳ соҳасидаги меросини ўрганиш ва уни ҳаётга табиқ этиш муҳим аҳамият касб этишига шак-шубҳа йўқ.

Р.ҲОМИДОВ,
«Ишонч» мухбири.

БОЛАЛАР ХУШНУД БЎЛИШДИ

Тошкент вилояти касабаяушмалари ва уюшмалараро маданият маркази вилоятдаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва мактаб-интернат ўқувчилари ўртасида Халқаро болаларни химоя қилиш кўни муносабати билан «Еш юлдузлар-99» фестивалини ўтказди.

XII Болалар ижодиётига бағишланган фестивалда болаларнинг яқунловчи концерти яқинда «Туркистон» саройида бўлиб ўтди. Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров раҳбарлигидаги «Ялла» ансамбли, тангли хонанда Равайн Номозов ва «Байрам» гуруҳи санъаткорлари ҳам фестивалда қатнашиб барчани мамнун эттиди.

Ўттиздан кўпроқ ҳомий ташкилотлар эса вилоятимизнинг Чирчик, Ангрен, Олмалик, Бука, Пскент, Қўбрайдаги меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларга музлаткич, телевизор, видеомагнитофон, гиламлар, кўзгулар, мағнифонлар, тарбияланувчилар учун турли кийим-кечаклар совға қилдилар.

«Вита» қўшма корхонаси 400 болага мўлжалланган байрам дастурхони безаб уларни меҳмон қилди.

Бу тадбир барча иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Т.САИДОВ.

ҲИДОЯТГА ЧОРЛАГАН АЛЛОМА

абдийлаштиришга, мақбрасини қайта тиклашга истиклолдан сўнггина астойдил киришилди. Маҳалалар аҳолиси, ўнлаб саховатпеша инсонлар, тadbirkorлар, ташкилот раҳбарлари бу хайрли ишдан четда қолмадилар. Мақбара қайта тикланди. Янги шинам шийпонлар қурилди, мевали боғлар вужудга келди. Ўтган йили «Бурхониддин Рошидоний» нодавлат хайрия жамғармаси ташкил этилди. Бу жамғарма ўз фаолиятини кундан-кунга фаоллаштириб бормокда.

қушунос олимни жаҳон афкори оммаси ва халқимизга таништиришга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон миллий маркази раҳбари, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А.Х.Саидовнинг хизматлари бекиёсдир. Таниқли олимнинг «Бурхониддин ал-Марғинович» буюк ҳуқуқшунос» рисоласининг чоп этилиши халқимиз тарихига бўлган катта хурмат намунаси. Рисолада таъкидланганидек, Бурхониддин Марғинович «Хидоя» асарини яратишда Куръони Карим, ҳадислар,

мад ибн Ханбалларнинг ийрик асарларига таянган. Анжуман ўтказилган кун эрталаб туман маркази байрамдагидек тус олди. Риштонликлар меҳмонлар истиқболига пешвоз чиқдилар. Дастурга кўра анжуман иштирокчилари дастлаб «Соҳиби Хидоя» қабристонига йўл олдилар. Бурхониддин ар-Рошидоний мақбара мажмуи зиёрат қилиниб, унинг руҳи -покига Куръондан тиловат ўқилди. Зиёратчилар қабристонда олиб борилаётган барча хайри ишлар билан яқиндан танишдилар.

Анжуман ўз ишини туман ҳокимлиги мажлислар за-

Мулоҳаза

қатнашса ва улар бир-бирига муносиб бўлса, учрашувлар қай тахлитда ўтарди? Энг муҳими, футболчилар майдонда қандай ҳаракат қилишарди? Ҳарбийлар «машқда қанча оғир бўлса, жангда шунча енгил бўлади» дейишади. Бинобарин, ҳар бир ўйинга «жонини берган» футболчи мамлакат тарма жамоаси таркибига қабул қилинган, ўз муҳлисари олдида бугунгидек қизариб қолмаслиги аниқ, Аксинча, шиддатли бахслар футболчи маҳоратига сайқал, матонатига собитлик бахш этади.

Боринги, жамоаларини бундан ортиққа қисқартириш

бармоқ билан санарли даражада кам. Шунга кўра бизда бир тақриф бор. Майли, ютқ учун уч очко беришга ўзгартиш киритмайлик ҳам. Бироқ, 90 дақиқалик ўйин сўнггида таблода дуранг натижа қайд этилган ҳолларда орани очди қилиб олиш учун яна 15 ёки 20 дақиқадан иборат қўшимча вақт берилса-да, шу фурсат ичида қайси бир дарвозага тўп киритилгач, ўйинга яқин ясалса ва голиб жамоа уч эмас, икки очкога эга бўлса, қандай бўларкин? Борди-ю қўшимча вақтда ҳам ҳисоб ўзгармаса, ҳар икки жамоага илгаригича бир очкодан берилди. Ўйлаймики, шундай қилинса, учрашувлар

эмас? Бу ҳам шинавандаларнинг қалбини қитқиллаб, уларнинг бўлажак ўйинга қизиқишини оширган, боз устига машҳур футболчиларимиз билан яқиндан танишиш имконини берган, машғуллар сўнггида бош мураббий муҳлисларнинг саволларига жавоб бериши эса, томошабин ва жамоа ўртасидаги ишонч ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилган бўларди.

Муаммолар кўп. Судялар муаммоси, футбол мактаблари фаолиятининг замон талабларидан орқада эканлиги, кўча ва маҳалларда болаларнинг спорт, хусусан футбол билан шуғулланишлари учун имкон йўқлиги каби ечимини кутаётган қатор масалалар борки, булар бир ёки бир гуруҳ ташаббускорларнинг савий-ҳаракати билан ечимини топмайди. Зеро, футбол ишимизни қайта тақлил қилиб, лозим бўлса, чет эллик экспертларни жалб қилган ҳолда тўб ўзгаришлар ясаш томон дадил қадам ташлаш даркор.

Кўп йиллик футбол ишқибози Абдулмажид Рисқулаев шундай дейди:

- Истиклолга эришганимиздан сўнг кўп яхши ишлар бўлаётди. Айнақса иқтидорли талабаларни чет элга бориб ўқишларига кенг йўл очиб қўйилганлигини узокки кўзлаб қилинган тадбир деб биламан. Ўйлашимча, истеъдодли ўсмирларни ҳам хорижга, хусусан футбол ривожланган Германия, Италия, Испания, Голландия сингари давлатларга юборишни йўлга қўйиш керак. Уларнинг молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи ҳомийлар топилишига ишончим комил. Чунки, ҳаммамиз ҳам футбол ишқибозимиз.

Боксчиларимиз, курашчиларимиз ва шахматчиларимизнинг халқаро мусобақаларда қўлга киритаётган ютуқлари юртимизда иқтидор эгалари ниҳоятда кўп эканлигини тасдиқлайди. Наҳотки, миллионлар ўйини - футболда ҳам шундай муваффақиятларга эришиш мумкин эмас. Жуда ҳам мумкин, шак-шубҳа йўқки, шундай бўлади ҳам.

Бунинг учун кўп нарса талаб қилинмайди: ким эканлигимиз ва қайси юртдан сув ичаётганимизни унутиб қўймасак бўлган. Қолгани йўл-йўлақай ўз ечимини топаверди.

Зайниддин РИХСИЕВ.



Раққоса ҳиром айлар...

Б.ҲАМРОКУЛОВ олган сурат

Ўқинг, қизиқ!

Сувнинг асл шакли шарга ўхшаган бўлади. Бу вазнсизлик шароитида яқол кўзга ташланади. Ерда эса оғирлик кучи таъсирида сувнинг бундай шакли ўзгариб кетади.

Қудратли магнит саналмиш Ой Ер юзидаги жамми денгиз ва океан сувига «дирежёрлик» қилади. У 11 триллион от кучи микродорида куч сарфлаб, океан ва денгизларнинг ақл бовар қилмайдиган даражада кўп сувини ўртача тўрт метр бандликка кўтарди.

Жанубий Американинг Перу мамлакатида миттигина бир шаҳар сувдан қурилган. Гап шундаки, бу шаҳар яқиндаги қайноқ-булоқ суви гипс, оҳак ва кварца бой бўлиб, аҳоли сувини ишлатишдан олдин уни гишт қолипига ўхшаш махсус идишларда совутиб қўяди.

Сув совигач, унинг таркибидаги гипс, оҳак, кварц идиш тагига қўйиб, тайёр «гишт» ҳосил бўлади. Бундай «сув-гишт»дан бинолар қурилади.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

Футбол

ИШҚИБОЗЛАР УМИДИ НЕГА ОҚЛАНМАЁТИР?



мумкин эмасдир. У ҳолда бошқача йўл ҳам бор. Масалан, 16 жамоани тенг икки гуруҳга бўлиб, икки давра бахслари тугагач, (тахминан бу ивол оий ўрталарича давом этади) ҳар гуруҳдан энг кўп очко тўплаган тўрттадан жамоани яна бир гуруҳга бирлаштириб, шу тариқа чемпион ва совриндорларни аниқлаб олиш мумкин. Бу вақтда пастроқ натижа кўрсатиб, бошқа гуруҳга жамулжам бўлган иккинчи саккизлик ўртасида кечган ўзаро бахсларда олиқ табақани тарқ этадиган жамоалар ҳам маълум бўлиб қолади. Улар қанча кўп бўлса, шунча яхши - ҳеч бир ўйинчи майдонга шунчаки «рўйхатдан ўтиш» учун тўшрат қандай ҳолатда ҳам ўз устида тинимсиз ишлашга мажбур бўлади.

Яна бир гап. Маълумки, ютқ учун икки эмас, уч очко, дуранг учун эса илгаригидек бир очко бериладиган бўлган, ғалабага бўлган интилиш кучайиб, ҳар хил «қелишувлар» га барҳам берилди. Ўйинга жон кирди. Аммо ҳамон муҳлисларни ҳаяжонга соладиган ва улар узок эслаб юрадиган учрашувлар

янада қизиқарлироқ кечган, жамоалар асосий вақт - 90 дақиқа мобайнида ўйин тақдирини хал этиш учун астойдил интилган, бу ўз навбатида футболчиларда йиғинчоқлик ва шиддаткорлик сифатларини тарбиялаган бўлур эди. Бу сифатлар халқаро учрашувларда қанчалар асқотишини эса ҳаммамиз яхши биламиз.

Булар, албатта, футболимизни ривожлантириш учун туртки бериши эҳтимол тутилган оддий мулоҳазалар. Шу ўринда яна бир гап: нима учундир кейинги пайтларда футбол рекламасига эътибор қилмай қўйилди. Ўйинбошар ўриндиқларининг бўш қолиши, айрим матчларда эса футболчилар гўё қўчиб кетган ҳовлида тўп сураётгандек тасаввур ўйғониши мутасаддиларни жиддий ташвишга солиши керак. Биринчидан, футбол томошабинлар учун ўйналади, қолаверса чиғталар қанча кўп сотилса, ўйинҳонинг молиявий аҳоли шу қадар яхшиланади. Тазмирлаш ишлари ва хизматчиларга ўз вақтида маош учун ҳам маблағ керакку ахир. Шу боис ўйиндан икки - уч кун олдин телевидение ва матбуот воситалари орқали эълонлар ташкил қилиш, имкон бўлган ҳолатларда у ёки бу футболчи тўғрисида лавҳалар уюштириш муҳлисларнинг қизиқишини янада орттириб, уларни ўйингоҳга чорлаши шубҳасиз.

Ёки бўлмаса, мамлакат тарма (ёшлар, олимпия ва миллий) жамоалари машғуллари ҳақида нега олдиндан эълон бериш мумкин

Ҳаёт тарзи деган ибора ҳам асли фалсафий тушунча. Албатта, ҳар бир одамнинг касбқори - тирикчилик манбаи бор. Лекин инсон чекига тушган умри фақат иш ва еб-ичишдан иборат деб билмайди. Ҳар кимнинг ўзигагина тегишли ва айни вақтда бошқаларнинг қизиқишларига ҳамоҳанг «хобби»си бўлади. Футбол ана шундай «хобби»лар сирасига қиради. Уни қўллашиб томоша қилишимиз ва баравар қувониб, баравар ранжишимиз шундан.

Чиндан-да, Козогистон олимпиячилари билан бўлган ўйин ҳамиюрларимизни ниҳоят даражада ранжитди, киритилган иккита жавобсиз тўп гўё ориятимизнинг оғриқ нуқталарини нишонга олгандай алам-изтироб уйғотди бизда. Тўғри, футболда ҳамма нарса бўлиши мумкин - ҳатто машҳур жамоалар ҳам мағлубиятдан қадрланганга. У ёғини сўрасангиз, йигирма биринчи аср бошида бўладиган Олимпиада эшиқлари хали ҳам очик, Факат бунинг учун қолган ўйинларда ғалаба қозониш лозим. Лекин бугун майдонда ҳаракат қилаётган жамоа бунинг улдасини чикишга қодирми? Муҳлисларни қийнаётган, эҳтимолки, мутахассисларни ҳам боши берк кўчага олиб кириб қўйган муаммо шу - негадир футболчиларимизнинг ўйини қовушмаётди. Важ-бахоналар билан эса, аҳолини ўнглаш қийин. Ҳўш, нима қилиш керак? Умуман, бундан беш йил муқаддам Осиё ўйинларида футбол олами «кашф этган» каби Ўзбекистон шухратини дунёга танитувчи жамоа яна пайдо бўладими?

Чамаси дилга таскин берувчи натижаларга эришиш учун умуман футбол ишимизни қайта қўриб чиқишимиз, хусусан бунинг Ўзбекистон чемпионатида қатнашувчи жамоалар таркиби қандай бўли-

ши мақсадга мувофиқ, деган саволга жавоб топишдан бошлашимиз маъқуллаш ўхшайди. Албатта, бунда хорижий тажрибаларни кўр-кўрона тадбиқ этиш асло яраммайди. Ҳўш, зарурат ва мавжуд имконият ўзаро уйғун келиши учун чемпионатда қанча жамоа қатнашиши керак? Бу ҳақда ўтган йил футбол жавобсиз тўп гўё ориятимизнинг оғриқ нуқталарини нишонга олгандай алам-изтироб уйғотди бизда. Тўғри, футболда ҳамма нарса бўлиши мумкин - ҳатто машҳур жамоалар ҳам мағлубиятдан қадрланганга. У ёғини сўрасангиз, йигирма биринчи аср бошида бўладиган Олимпиада эшиқлари хали ҳам очик, Факат бунинг учун қолган ўйинларда ғалаба қозониш лозим. Лекин бугун майдонда ҳаракат қилаётган жамоа бунинг улдасини чикишга қодирми? Муҳлисларни қийнаётган, эҳтимолки, мутахассисларни ҳам боши берк кўчага олиб кириб қўйган муаммо шу - негадир футболчиларимизнинг ўйини қовушмаётди. Важ-бахоналар билан эса, аҳолини ўнглаш қийин. Ҳўш, нима қилиш керак? Умуман, бундан беш йил муқаддам Осиё ўйинларида футбол олами «кашф этган» каби Ўзбекистон шухратини дунёга танитувчи жамоа яна пайдо бўладими?

Чамаси дилга таскин берувчи натижаларга эришиш учун умуман футбол ишимизни қайта қўриб чиқишимиз, хусусан бунинг Ўзбекистон чемпионатида қатнашувчи жамоалар таркиби қандай бўли-

ISHONCH Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайъати: Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (Бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латипов (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов. ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Матбаа: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилган ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаханаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишда топшириш вақти - 21.00. Топшириш: 23.00. Буюртма Г - 0376. Навбатчи муҳаррир - А. Маннопов. Навбатчи - Ҳ. Қодиров. 1 2 3 4 5 6